# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

2000 9 январь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 144 (9.336) 1999 йил 13 декабрь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда


# ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ СИРДАРЁЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

***Ҳар қандай мамлакатда сайловлар, энг аввало, халқ ишончининг ифодасидир. Сайловчиларнинг бу жараёнда қай даражада иштирок этиши одамларнинг ҳокимият идораларига, раҳбарларга ишончининг белгисидир. Олий Мажлисга куни кеча бўлиб ўтган сайловларда аҳолининг фаол иштироки ўзбекистонликларнинг юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарасига, турмушимизнинг фаровонлашуви, буюк келажагимизга ишонч билан қараётганлигини кўрсатади.***

2000 йил 9 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳам ана шундай юксак руҳда ўтишига шубҳа йўқ. Бу президентликка номзод Ислом Каримовнинг жойларда сайловчилар билан ўтаётган қизғин учрашувларида яққол намоён бўлмоқда.

10 декабрь куни Гулистон шаҳрида Ўзбекистон президентлигига Фидокорлар миллий-демократик партиясидан номзоди кўрсатилган Ислом Каримовнинг Сирдарё вилояти сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди. Вилоят меҳнаткашлари, сиёсий партиялар, ҳокимият идоралари вакиллари, зиёлилар, маҳалла оқсоқоллари, талабалар давлатимиз раҳбарини «Ислом Каримов — Ватан озодлиги, эл-юрт равнақи тимсоли», «Президент Ислом Каримов билан XXI аср сари» каби шиорлар билан қарши олдилар.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 8-Сирдарё округ сайлов комиссияси раиси А. Муҳамедов очди.

Ислом Каримовнинг ишончли вакили, Боёвут туманидаги «Дўстлик» қишлоқ фуқаролар йиғинининг раиси Сайдулла Абдуқодиров йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан таништирди. Ишончли вакил мамлакатимизнинг истиқболга эришиши, мустақиллик йилларидаги жадал тараққиёти, халқаро майдондаги юксак нуфузи Ислом Каримов номи билан боғлиқ эканлигини таъкидлади. Бундай улкан ва хайрли ишлар ҳозиргидек изчил давом этмоғи лозим. Ислом Каримов эса ўзининг халқпарварлиги, мардлиги, узоқни кўра билиши билан халқимизнинг чексиз меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган.

Учрашувда президентликка номзод Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Йўлбошчимиз бўлажак сайловда номзодини кўрсатгани учун халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши аъзолари, барча сирдарёликларга миннатдорлик билдириб, истиқлол йилларида бу заминда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилгани, шаҳар ва қишлоқлар тобора чирой очиб бораётганини таъкидлади.

Ислом Каримов вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари ҳақида гапирар экан, бунинг учун, авваламбор, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркибини ўзгартириш, фермерлик ҳаракатини кенгайтириш, одамларда мулкка эгалик ҳиссини кучайтириш зарурлигига тўхталди.

Сирдарё вилоятини ривожлантиришга қаратилган алоҳида дастур ишлаб чиқиш вақти етди. Бу дастур барча сирдарёликлар томонидан муҳокама қилиниб, республика ҳукумати миқёсида қабул қилиниши зарур, деди давлатимиз раҳбари.

Сайловчилар номидан сўзга чиққан «Маҳалла» жамғармаси Гулистон шаҳар бўлими раиси М. Нўъмонов, вилоят «Оналар ва болалар» марказининг шифокори И. Каримова, Янгиер шаҳар 1-ўрта мактаб ўқитувчиси Т. Вовнякова, Сайхунобод тумани Т. Ғуломов номли ширкатлар уюшмаси бош ҳосилоти Т. Мирзаев, Гулистон Давлат университетининг талабаси Д. Рўзибоева, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сирдарё вилоят бўлимининг масъул ходими Ҳ. Ортиқбоева Йўлбошчимиз бошчилигида мамлакатимизда асрларга татигулик ишлар амалга оширилганини, жумладан, Сирдарё вилоятида ўнлаб замонавий маъмурий бинолар, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт, маданият муассасалари бунёд этилганини қайд этдилар. Шу боис халқимиз бўлажак Президент сайловларида Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлашига ишонч билдирдилар.

Учрашувни якунлар экан, Ислом Каримов самимий сўзлар учун сирдарёликларга ҳурмат-эҳтиром изҳор этиб, эртанги ёруғ кунларга ишонч халқимизни бирлаштиришини алоҳида таъкидлади.

***Беҳзод УСМОН (ЎзА).***

# САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

***Нукус шаҳрида қорақалпоғистонлик сайловчиларнинг Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан мамлакат президентлигига номзоди кўрсатилган ЎзХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов билан учрашуви бўлиб ўтди.***

Унда сиёсий партиялар, хотин-қизлар, ёшлар ташкилотлари, илм-фан намояндалари, фуқаролар йиғинлари фаоллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Қорақалпоғистон округ сайлов комиссияси раиси Абдукерим Мамбеткаримов бошқарди. Президентликка номзод А. Жалоловнинг ишончли вакили Қорақалпоғистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазири Сирожиддин Қутлимуродов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди. У А. Жалолов таниқли олим, жамоат арбоби эканини, фалсафа тарихи, ижтимоий фалсафа ва сиёсатшунослик йўналишларида самарали илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётганини таъкидлади. Айни вақтда А. Жалолов йирик сиёсий партияга раҳбарлик қилмоқда.

Президентликка номзод А. Жалолов учрашувда йиғилганларни ўзининг сайловолди дастури билан таништирди. Дастурда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, барча амалдаги қонунларга садоқат, уларнинг изчил амалга оширилиши ва мамлакат фуқаролари ҳуқуқлари ҳамда эркинликларининг янада тўлароқ рўёбга чиқиши йўлида сидқидилдан хизмат қилиш назарда тутилган. Бунинг учун сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маънавий, шунингдек ташқи сиёсат ва миллий хавфсизлик ҳамда мудофаа соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгиланган.

Қорақалпоғистонлик сайловчилардан Нукус шаҳридаги 14-мактаб директори Жамбил Жилкиманов, Кегейли туманидаги Обод овули касалхонаси бош шифокори Перуза Отажонова ва бошқалар учрашувда сўз олиб, 2000 йил 9 январь куни Президент сайловида йиғилганларни мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнаши, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалиши, тинчлик ва осойишталик барқарор бўлишини кўзлаб фаол иштирок этишга даъват қилдилар.

***А. ИСКАНДАРОВ, ЎзА мухбири.***

## ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ:

# ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

### Россия Федерацияси Бош вазири Владимир Путин Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрди

***Илгари хабар қилиб ўтганимиздек, шу йил 10 декабрь куни кечқурун Россия Федерациясининг Бош вазири Владимир Путин мамлакатимизга ташриф билан келди.***

Владимир Путиннинг Тошкентга ташрифи чоғидаги дастури шанба куни унинг пойтахтимиздаги Хотира майдонига зиёрат қилишдан бошланди. Маълумки, бу ерда иккинчи жаҳон уруши пайтида фашизмга қарши курашда ҳалок бўлган ўзбекистонлик жангчилар хотирасига мемориал мажмуа бунёд этилган. Владимир Путин Мотамсаро она ҳайкали мемориалига анвойи гуллар қўйди. Россия Федерациясининг Бош вазири ушбу мемориал мажмуа билан танишар экан, унга юксак баҳо берди, ўзбек халқининг иккинчи жаҳон урушида ўз ҳаётини қурбон этган ўғлонлари хотирасини чуқур ёд этаётганлигидан чуқур қониқиш ҳосил қилганлигини изҳор этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан мамлакатимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси ҳукуматининг раиси Владимир Путин расмий ташрифининг асосий дастурига шаҳар ташқарисидаги Дўрмон қароргоҳида олиб бориладиган музокаралар кирган эди.

Бу музокаралар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Россия Федерацияси Бош вазири Владимир Путиннинг яккама-якка суҳбатидан бошланди. Ана шу мулоқот чоғида икки томонлама ҳамкорлик масалаларига асосий эътибор қаратилди. Кейин Ислом Каримов ва Владимир Путин кенгайтирилган таркибдаги делегацияларнинг мажлисларига бошқош бўлдилар.

Ана шу мажлис якунлари бўйича ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси ҳукуматининг раиси Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳалардаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги Шартномага ўз имзоларини қўйдилар. Бундан ташқари бир қатор битимлар ҳам имзоланди.

Шундан кейин Ватанимиз ва хорижий мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари журналистлари учун матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси ҳукуматининг раиси Владимир Путин қисқача баёнот билан сўзга чиқдилар.

Россия Федерацияси Бош вазири Владимир Путиннинг Ўзбекистонга расмий ташрифининг иккинчи ярми унинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида «В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат акционерлик жамиятига боришидан бошланди. Россия Бош вазири самолётлар тайёрлаш технологияси билан батафсил танишди. Владимир Путинда Ильюшин номидаги Россия конструкторлик бюроси билан ҳамкорликда яратилган янги машина — ИЛ-114 самолёти айниқса, қизиқиш уйғотди.

Сўнгра Ўзбекистон рус драма театрида Ўзбекистонда истиқомат қилаётган 1 миллион 200 минг кишидан иборат рус миллатига мансуб бўлган вакиллар билан учрашув бўлиб ўтди. Россия ҳукумати раҳбари ва Ўзбекистон Республикаси Президентига берилган саволлар ўзаро манфаатли муносабатларимизнинг кўпгина жиҳатларига қаратилди.

Россия ҳукумати раисининг ташрифидан унинг Темурийлар тарихи Давлат музейида бўлиши ҳам кўзда тутилган эди. Афсонавий Соҳибқирон бобомизнинг буюк даври ҳақида ҳикоя қиладиган бой экспозициялар, бинонинг ажойиб ва ўзига хос меъморий ечими меҳмонда жуда ёрқин таассурот қолдирди. Владимир Путин бу ердаги фахрий меҳмонлар Китобига ўзининг эсдалик дасхатини ёзиб қолдирди.

Шу куни Россия Федерацияси ҳукуматининг раиси Владимир Путиннинг Ўзбекистон Республикасига қилган расмий ташрифи ниҳоясига етди.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

1999 йил 10 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни комиссия раиси Н. Комилов бошқарди. Мажлисда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 11 ва 46-моддаларига мувофиқ, 1999 йил 5 декабр куни ўтказилган Олий Мажлис депутатлари сайловининг республика бўйича якунлари кўриб чиқилиб, сайланган депутатлар рўйхатга олинди.

Олий Мажлис сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун республика бўйича 250 та округ сайлов комиссияси ва 7723 та участка сайлов комиссияси тузилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилган номзодлардан 1010 нафари, жумладан, «Адолат» социал демократик партиясидан 119, «Ватан тараққиёти» партиясидан 108, «Миллий тикланиш» демократик партиясидан 93, Фидокорлар миллий демократик партиясидан 207, Халқ демократик партиясидан 180, ҳокимият вакиллик органларидан 205 ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан 98 нафар номзод сайлов бюллетенларига киритилди.

28 та сайлов округида 2 нафардан, 57 та сайлов округида 3, 82 та сайлов округида 4, 52 та сайлов округида 5, 22 та сайлов округида 6 ва 9 та сайлов округида 7 нафардан номзод овозга қўйилди.

Республика бўйича 12.692202 нафар киши сайловчилар рўйхатига киритилиб, уларнинг 12.061266 нафари ёки 95,03 фоизи овоз беришда иштирок этди.

Овоз беришда Тошкент шаҳрида сайловчиларнинг 88,75 фоизи, Андижон вилоятида 97,27, Бухоро вилоятида 97,68, Жиззах вилоятида 97,93, Навоий вилоятида 90, 34, Наманган вилоятида 98,10, Самарқанд вилоятида 94,92, Сирдарё вилоятида 96,84, Сурхондарё вилоятида 92,03, Тошкент вилоятида 92,66, Фарғона вилоятида 95,92, Хоразм вилоятида 97,85, Қашқадарё вилоятида 95,98 ва Қорақалпоғистон Республикасида 97,08 фоизи иштирок этди.

250 та округнинг барчасида сайловчилар овоз беришда иштирок этганлиги таъкидланиб, уларда ўтказилган сайловлар ҳақиқий деб топилди. Овоз бериш натижаларига кўра 184 та сайлов округида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайланган. Улар орасида «Адолат» социал демократик партиясининг 9 нафар, «Ватан тараққиёти» партиясининг 9, «Миллий тикланиш» демократия партиясининг 6, Фидокорлар миллий демократик партиясининг 19, Халқ демократик партиясининг 32, ҳокимият вакиллик органларининг 98 ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг 11 нафар вакили бор. Сайланганлардан 11 нафари хотин-қизлардир.

Республика бўйича 66 сайлов округида депутатликка номзодлардан ҳеч қайси бири овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини ололмади. Бундай ҳолларда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 43-моддасига мувофиқ, юқоридаги каби округларда сайлов ўтказилган кундан кейин икки ҳафта ичида энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича такрорий овоз бериш ўтказилиши лозим. Шу сабабли 19 декабр, якшанба куни такрорий овоз бериш ўтказилишига қарор қилинди.

Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида таъкидландики, Президент Ислом Каримовнинг Нукус шаҳрида сайловчилар билан ўтказган учрашув чоғида сўзлаган нутқларидан илҳомланган мамлакатимиз фуқаролари сайловда юксак даражадаги фаоллик билан қатнашдилар.

Олий Мажлис депутатларининг сайлови барча жойларда қонун ҳужжатларининг талабларига тўла мувофиқ ўтди. Сайлов мамлакатимиз демократик жараёнларни ривожлантириш, ҳуқуқий давлат барпо этиш сари дадил, собитқадамлик билан одимлаётганлигининг ёрқин исботи бўлди.

Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан Олий Мажлис депутати этиб сайланганларнинг рўйхати республика ва тегишли маҳаллий матбуот органларида эълон қилинади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

# ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

**«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11 ва 46-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси**

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг 1999 йил 5 декабрь куни Олий Мажлисга ўтказилган сайлов натижалари тўғрисидаги баёнлари асосида қуйидагилар Олий Мажлис депутатлари этиб рўйхатга олинсин:**

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА:**

| № | Депутатларнинг фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Номзод кўрсатган органнинг номи | Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) | Иш ва яшаш жойи | Сайлов округининг тартиб рақами ва номи |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| 1. | Абидов Бахтиёр Рихсибоевич | 1963 | Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси | «Виртекс» Ўзбекистон-Россия-Америка қўшма корхонаси бошқаруви раиси | Тошкент шаҳри | 14-Қўйлиқ |
| 2. | Боқиева Гуландом Хисомовна | 1949 | Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси | Жаҳон тиллари университети проректори | Тошкент шаҳри | 6-Мирзо Улуғбек |
| 3. | Голишев Вячеслав Аркадьевич | 1951 | Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши | Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий-иқтисодий сиёсат масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси | Тошкент шаҳри | 22-Марказий |
| 4. | Даминов Турғунпўлат Обидович | 1941 | Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси | Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти ректори | Тошкент шаҳри | 15-Ҳамза |
| 5. | Кучеров Вадим Петрович | 1941 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси | «Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик жамияти бошқаруви раиси, бош директори | Тошкент шаҳри | 16-Самолётсозлар |
| 6. | Мажидов Абдуазим Хакимович | 1953 | Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши | Мирзо Улуғбек тумани ҳокими | Тошкент шаҳри | 5-Дарҳон |
| 7. | Матвеев Александр Алексеевич | 1958 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси | «Новатор» ишлаб чиқариш бирлашмаси директорлар кенгаши раиси | Тошкент шаҳри | 13-Сергели |

**(Давоми 2-бетда).**

*2000 — Соғлом авлод йили*

# БЕНИҲОЯ МАМНУНМИЗ

**Убайдулла АБДУЛЛАЕВ, А.Икромов туманидаги 106-ўрта мактабнинг математика ўқитувчиси:**

— Мамлакатимизда истиқлол туфайли катта ва улкан ютуқлар қўлга киритилди. Истиқболимизнинг дастлабки кунлариданоқ ёшларга кенг эътибор қаратилди, уларнинг соғлиғи, чуқур билим олишлари учун беқиёс ғамхўрликлар кўрсатиб келинмоқда.

Президентимизнинг ҳар бир йилни қадрлаб муносиб ном беришларида жуда чуқур маъно бор. Инсон манфаатлари йили, Оила йили, Аёллар йили — бу халқимизга бўлган чуқур ҳурмат, эҳтиром белгиси албатта. Мана яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни байрамида Юртбошимиз 2000 йилни Соғлом авлод йили деб эълон қилдилар. Бу қувончли хабарни бутун мактабимиз жамоаси чин юракдан мамнуният билан қўллаб-қувватладилар. Чунки соғлом авлод — келажагимиз. Президентимиз ўз нутқларида «Ҳеч шубҳа йўқ: соғлом авлод орзуси аждодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган муқаддас интилишдир. Агар ота-боболаримизнинг турмуш тарзига, тафаккурига назар солсак, улар насл-насаб, етти пуштнинг тозалигига, авлоднинг соғлиғига жуда катта эътибор берганини кўрамиз».

Ҳа, бу — ҳаётий ҳақиқат. Бу сўзларда жуда-жуда чуқур мазмун ва маъно ифодаланган. Ҳар биримизнинг эзгу мақсадимиз шубҳасиз соғлом авлод учун ғамхўрлик қилиш. Ана шундагина жамиятимизда соғлом турмуш тарзи қарор топади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

| № | Депутатларнинг фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Номзод кўрсатган органнинг номи | Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) | Иш ва яшаш жойи | Сайлов округининг тартиб рақами ва номи |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| 8. | Мақсудхўжаев Бахтиёр Нуъмонович | 1946 | Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши | Миробод тумани ҳокими | Тошкент шаҳри | 9-Файзиобод |
| 9. | Мирқосимов Алишер Муҳамедович | 1949 | Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши | Яккасарой тумани ҳокими | Тошкент шаҳри | 25-Яккасарой |
| 10. | Миродилов Тохир Мирходжаевич | 1940 | Сайловчилар ташаббускор гуруҳи | Тез тиббий ёрдам клиник касалхонасининг бош врачи | Тошкент шаҳри | 3-Акмал Икромов |
| 11. | Мирходжаев Зайнутдин Сайфутдинович | 1962 | Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси | Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи | Тошкент шаҳри | 17-Дўмбробод |
| 12. | Пахрутдинов Шукритдин Илёсович | 1958 | Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши | Юнусобод тумани ҳокими | Тошкент шаҳри | 23-Астробод |
| 13. | Рахманкулов Мир-Акбар Хожи-Акбарович | 1952 | Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси | Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши котиби | Тошкент шаҳри | 1-Саноат |
| 14. | Тўлаганов Козим Носирович | 1949 | Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши | Тошкент шаҳар ҳокими | Тошкент шаҳри | 11-Собир Раҳимов |
| 15. | Тошпўлатов Комилжон Жўраевич | 1944 | Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши | Собир Раҳимов тумани ҳокими | Тошкент шаҳри | 10-Чуқурсой |
| 16. | Халилов Эркин Ҳамдамович | 1955 | Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси | Тошкент шаҳри | 7-Тракторсозлар |
| 17. | Хикматов Шукурилло | 1947 | Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши | Бектемир тумани ҳокими | Тошкент шаҳри | 4-Бектемир |
| 18. | Шаабдураҳмонов Рустам Мавзурович | 1962 | Сайловчилар ташаббускор гуруҳи | Ўзбекистон Республикаси Президенти Ташкилий-кадрлар сиёсати бўйича Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари | Тошкент шаҳри | 24-Юнусобод |

***Марказий сайлов комиссияси раиси*** ***Н. КОМИЛОВ***
Тошкент шаҳри, 1999 йил 10 декабрь.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи айрим сайлов округларида такрорий овоз беришни ўтказиш кунини белгилаш тўғрисида

**«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11 ва 43-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси**

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ўтказилган сайлов натижалари тўғрисида тегишли округ сайлов комиссиялари тақдим этган баёнлар асосида қуйидаги 66 та сайлов округида 1999 йил 19 декабрь куни такрорий овоз бериш ўтказилсин:**

**Тошкент шаҳри бўйича:**
2-Оқтепа сайлов округи
8-Миробод сайлов округи
12-Қорақамиш сайлов округи
18-Чилонзор сайлов округи
19-Мевазор сайлов округи
20-Шайхонтоҳур сайлов округи
21-Оқлон сайлов округи

***Марказий сайлов комиссияси раиси Н. КОМИЛОВ***
Тошкент шаҳри, 1999 йил 10 декабрь.

# ДАВР САДОСИ

Тошкент оқшоми

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллиги муносабати билан Президент Фармонига кўра маданият, санъат, адабиёт соҳаси вакилларининг катта гуруҳи Ватанимиз мукофотлари билан тақдирланган эди. Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрида ана шу орден, медаль ва унвонларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

◆ Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси ўқув маркази янги биносининг очилиш маросими бўлди.

◆ Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институтида «Травматология ва ортопедиянинг долзарб муаммолари» мавзуида ўтказилган илмий-амалий анжуман ниҳоясига етди.

◆ Ўзбекистон Бадиий академияси Санъатшунослик илмий тадқиқот институтига япониялик олимлардан магнит тасмаларидаги ёзувларни лазер дискига кўчиришга имкон берадиган аппарат совға қилинди. Уни Япониянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Кёко Накаяма хоним топширди.

◆ Республика таълим марказида «Таълим тизимини ислоҳ қилишда Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларига кўмак» ТАСИС лойиҳасининг якуний анжумани тугалланди.

◆ «ЭКОСАН» жамғармаси, «Оролбўйи минтақасидаги узоқ қишлоқ туманларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш» ҳақидаги гуманитар Дастурни амалга ошира бориб, 360 минг АҚШ доллари микдоридаги 8500 дона маиший сув таркибини тозаловчи фильтрни минтақа аҳолисига хайрия сифатида топширди.

◆ Ўзбекистон геолог олимлари самарали изланишлари билан базальт толаларини саноат асосида ишлаб чиқариш учун мустаҳкам хом ашё негизи юзага келди. Вилоятимизнинг Маданият қўрғонида янги бунёд этилган тажриба-саноат корхонаси эндиликда «Айдар-базальт» деб номланган толаларни ишлаб чиқаришга киришди.

◆ Шу йилнинг 13 августида Вазирлар Маҳкамаси Ажиниёз Қўсибой ўғли таваллудининг 175 йиллигини нишонлаш ҳақида қарор қабул қилган эди. Шунга биноан Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мусиқали театри бастакор Н. Муҳаметдиновнинг (И. Юсупов либреттоси) «Ажиниёз» операсини саҳналаштирмоқда.

## ЖАҲОНДА

◆ **Кеча** Озарбайжонда мамлакат тарихида биринчи марта муниципал сайловлар бўлиб ўтди.

◆ **Кеча** Россияда Конституция куни нишонланди.

◆ АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайтнинг Яқин Шарққа ташрифи чоғида Сурия ҳукумати Исроил билан юзага келган ўзаро зиддиятларни бартараф этиш хусусида халқаро ҳамжамият томонидан таклиф қилинаётган ҳар қандай ташаббусни қўллаб-қувватлажаклигини яна бир бор тасдиқлади.

◆ Озарбайжоннинг Европа Кенгашига кириш масаласини муҳокама этиш учун мазкур халқаро ташкилотнинг Озарбайжон бўйича вакили Жак Бомел Бокуда бўлди.

◆ **Кеча** Туркманистонда парламент сайловлари бўлиб ўтди.

◆ Чеченистон президенти Аслан Масхадов Грозныйдаги қароргоҳини тарк этди. У энди қаерга жойлашажагини сир тутмоқда.

◆ Албания президенти Ражаб Майдонийнинг Руминияга қилган уч кунлик давлат ташрифи ниҳоясига етди.

◆ Қозоғистон ҳукумати мамлакат раҳбарларининг Женеванинг қатор банкларидаги ҳисоб рақамларининг ёпиб қўйилгани муносабати билан Швейцария ҳукуматига ташвиш билдирди. Ҳисоб рақамлари ёпиб қўйилганлар рўйхатида Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг номи ҳам зикр этилган.

◆ **Бугун** Бокуда Озарбайжон — Арманистон зиддиятларини барқарорлаштириш юзасидан сиёсий маслаҳат кенгаши бўлиб ўтади.

◆ Англиядаги «Аэробус» номли Европа консорциуми бирйўла 650 нафар йўловчини ўзига сиғдира оладиган энг улкан тайёра яратишга киришди. Мазкур лойиҳа 10 миллиард АҚШ долларига тенг, деб баҳоланмоқда.

◆ **Бугун** Покистонда собиқ бош вазир Навоз Шариф иши юзасидан яна судлов бўлиб ўтади.

◆ Санкт-Петербургдаги Бадиий академик музейда сақланаётган 16 дона сурат номаълум кишилар томонидан ўғирлаб кетилди. Мазкур асарлар рус ижодкорлари томонидан XIX асрда яратилган.

◆ Африканинг кичик давлатларидан бири — Малавида биринчи бор аёллар ҳам ҳарбий хизматга жалб қилина бошланди. 70 кишидан иборат дастлабки аёллар гуруҳи мамлакат қуролли кучларининг турли ҳарбий қисмларига жўнатилди.

◆ Ҳиндистонлик Юкта Мукхей сайёрамизнинг энг гўзал қизи деб топилди. У Лондонда ўтказилган «Жаҳон гўзали» якунловчи танловининг ғолиби бўлди.

◆ Франциядаги турар жой уйида кучли портлаш юз берди. Сўнгги маълумотларга кўра, бу ҳодиса туфайли ўн киши ҳалок бўлган. Портлаш туфайли 10 та квартирали тўрт қаватли уйнинг ҳаммаси вайрон бўлган.

# ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

## Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси ҚАРОРИ

**«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 41 ва 45-моддаларига мувофиқ шаҳар сайлов комиссияси**

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**Қуйидаги кўрсатилган депутатликка номзодлар халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг депутати этиб сайланди ва рўйхатга олинди деб ҳисоблансин:**

| № | Депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Депутатликка номзод кўрсатган органнинг номи | Эгаллаб турган лавозими (машғулот тури) | Сайлов округининг тартиб рақами ва номи |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 1 | Абдуллаев Бахтияр Рустамович | 1945 | ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши | 17-сонли шаҳар касалхонаси бош шифокори | 51-Уста Ширин |
| 2 | Абдуллаев Шукурулла Назирович | 1943 | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи | «Меҳрли савдо» Давлат корхонаси бош раҳбари | 49-Минор |
| 3 | Абдурахимова Фарида Юлдашевна | 1950 | ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши | Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси | 57-Абдулла Қаҳҳор |
| 4 | Адилов Миркамал Азизович | 1958 | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи | Шайхонтоҳур тумани ҳокими | 46-Гулобод |
| 5 | Азимов Мирильяс Ульмасович | 1951 | ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши | «Алгоритм» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси | 41-Машраб |
| 6 | Акилов Хабибулла Атауллаевич | 1957 | ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши | Академик В. Воҳидов номидаги жарроҳлик илмий маркази директори | 38-Қозиробод |
| 7 | Акназаров Фаррух Амирович | 1950 | ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши | Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти ректори | 9-Салор |
| 8 | Акромходжаев Агзам Максудович | 1949 | ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши | «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокими | 23-Тансиқбоев |
| 9 | Буронов Жамолдин | 1933 | ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши | Жаҳон тиллари университети ректори | 1-Мақсуд Шайхзода |
| 10 | Ганиева Махмуда Мамадалиевна | 1963 | Сайловчилар ташаббускор гуруҳи | «Тоштўқимачи» очиқ турдаги акционерлик жамияти тўқувчиси | 58-Бошлиқ |
| 11 | Зияева Малика Абдуллаевна | 1944 | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи | Тошкент шаҳар Марказий касалхонаси бош шифокори | 15-Феруза |
| 12 | Зурин Игорь Юрьевич | 1951 | «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши | Тошкент иссиқлик электр маркази директори | 60-Ракат |
| 13 | Исматова Мавлюда | 1943 | ЎзФМДП Тошкент шаҳар Кенгаши | 273-лицей мактаби директори | 56-Отчопар |
| 14 | Кузеванов Виктор Клавдиевич | 1948 | ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши | Қора металлни қайта ишлаш ҳиссадорлик жамияти директори | 28-Йўлдош |
| 15 | Мавлонов Абдуманоп Раззакович | 1948 | ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши | «Зилол Булоқ» ишлаб чиқариш фирмаси директори | 55-Иттифоқ |
| 16 | Маджидов Абдуазим Хакимович | 1953 | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи | Мирзо Улуғбек тумани ҳокими | 16-Хумоюн |
| 17 | Махмудов Абилкасим Назимович | 1948 | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи | Акмал Икромов тумани ҳокими | 6-Чўпон ота |
| 18 | Максудходжаев Бахтиёр Нигманович | 1946 | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи | Миробод тумани ҳокими | 19-А.Фитрат |
| 19 | Миркасимов Алишер Мухаммедович | 1949 | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи | Яккасарой тумани ҳокими | 59-Бўрижар |
| 20 | Миркасимов Равшан Хамидуллаевич | 1957 | ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши | «Тошкентсут» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси | 7-Қози гузар |
| 21 | Мухамедходжаев Рахматулла Ахмедович | 1951 | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи | Ҳамза тумани ҳокими | 34-Лисунов |
| 22 | Назаров Эркин Юсупович | 1956 | ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши | «Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат ҳиссадорлик жамияти бош энергетиги ўринбосари | 33-Авиасозлар |
| 23 | Пахрутдинов Шукритдин Ильясович | 1958 | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи | Юнусобод тумани ҳокими | 50-Мирза Юсуф |
| 24 | Расулова Мукаддам Мансуржоновна | 1955 | ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши | Республика «Камолот» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи | 42-Хайробод |
| 25 | Расулов Нигматулла Шермухамедович | 1941 | ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши | А. Икромов тумани ҳудудий тиббиёт бўлими мудири | 2-Шодлик |
| 26 | Савельева Ирина Алексеевна | 1939 | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи | Болалар руҳий асаб касаллиги касалхонасининг бош шифокори | 10-Бўз |
| 27 | Содиков Мирзохид Мирмахмудович | 1950 | ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши | Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент шаҳар кенгаши раиси | 17-Мингўрик |
| 28 | Таджиханова Нуриниса | 1951 | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи | 121-мактаб директори | 14-Интизор |
| 29 | Ташпулатов Камильжан Джураевич | 1944 | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи | Собир Раҳимов тумани ҳокими | 25-Себзор |
| 30 | Тулаганов Козим Носирович | 1949 | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи | Тошкент шаҳар ҳокими | 24-Мирзо Ғолиб |
| 31 | Тўляганов Улуғбек Насирович | 1968 | ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши | Қуёшдан ҳимоялаш қурилмалари заводи бош директори | 29-Чоштепа |
| 32 | Хаджиев Рустам Шавкатович | 1962 | Сайловчилар ташаббускор гуруҳи | «АВЭК-МОТОРС» ҳиссадорлик жамияти раиси | 12-Яланғоч |
| 33 | Халилов Нуритдин Абазович | 1942 | ВТП Тошкент шаҳар Кенгаши | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг УАЖБНТ марказ директори | 53-Уч Қаҳрамон |
| 34 | Халилов Юлдаш | 1933 | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи | «Ўзкабель» ДХЖ маънавият ва маърифат маркази бошлиғи, Файзулла Хўжаев номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси | 11-Академик |
| 35 | Хакимова Яйра Саттаровна | 1949 | ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши | Юнусобод туман маслаҳат ташхис маркази бош шифокори | 54-Мустақиллик |
| 36 | Хикматов Шукурилло | 1947 | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи | Бектемир тумани ҳокими | 8-Сувчи |
| 37 | Шофайзиев Шомурод Мухсинович | 1966 | ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши | «Ўзтрансмахсусқурилиш» ассоциацияси раиси | 35-Янгиобод |
| 38 | Юлдашев Даликузи Турдиевич | 1952 | ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши | 1-сонли Тошкент уй-жой қурилиш комбинати ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси | 36-Қурувчилар |
| 39 | Юлдашев Мидхат Мухамеджанович | 1950 | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи | Сергели тумани ҳокими | 30-Қум ариқ |

***Шаҳар сайлов комиссияси раиси*** ***Ф. МАЛИКОВ.***
Тошкент шаҳри, 1999 йил 10 декабрь.

## ТОШКЕНТ ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

**Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи айрим сайлов округларида такрорий овоз беришни ўтказиш кунини белгилаш тўғрисида**

**«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11 ва 24-моддаларига мувофиқ шаҳар сайлов комиссияси**

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**Тошкент шаҳар Кенгашига ўтказилган сайлов натижалари тўғрисида тегишли округ сайлов комиссиялари тақдим этган баёнлар асосида қуйидаги 21 та сайлов округида 1999 йил 19 декабрь куни такрорий овоз бериш ўтказилсин:**

**АКМАЛ ИКРОМОВ ТУМАНИ БЎЙИЧА:**
3-Абдулла Қодирий сайлов округи
4-Зиё Саид сайлов округи
5-Ойбек сайлов округи

**МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ БЎЙИЧА:**
13-Гулшан сайлов округи

**МИРОБОД ТУМАНИ БЎЙИЧА:**
18-Темирйўл сайлов округи
20-Толариқ сайлов округи

**СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ БЎЙИЧА:**
21-Қорасарой сайлов округи
22-Иброҳим ота сайлов округи
26-Беруний сайлов округи

**СЕРГЕЛИ ТУМАНИ БЎЙИЧА:**
27-Дўстлик сайлов округи

**ҲАМЗА ТУМАНИ БЎЙИЧА:**
31-Машинасозлар сайлов округи
32-Содиқ Азимов сайлов округи

**ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ БЎЙИЧА:**
37-Олмазор сайлов округи
39-Қатортол сайлов округи
40-Кўтарма сайлов округи

**ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ БЎЙИЧА:**
43-Навоий сайлов округи
44-Фурқат сайлов округи
45-Катта боғ сайлов округи
47-Тинчлик сайлов округи
48-Жарариқ сайлов округи

**ЮНУСОБОД ТУМАНИ БЎЙИЧА:**
52-Туркистон сайлов округи

***Шаҳар сайлов комиссияси раиси*** ***Ф. МАЛИКОВ.В.***
Тошкент шаҳри,
1999 йил 10 декабрь.

Донишмандлар хазинасидан

# ҲОТАМНИНГ БИРИНЧИ САФАРИ

**(Давоми. Боши газетанинг 135, 138-сонларида).**

Бора-бора кўлоб сувга етди, ул сувда ғусл (чўмилиб) айлаб либосларини аждаҳо сўлакларидин пок айлаб ўлтириб эрдиким, кўлоб сув ҳаракатга келди ва бир сурати пайдо бўлдиким, баданининг ярми балиқдек ва ярми одамга ўхшарди. Ҳотам салом айлади, жавоби саломдин сўнгра Ҳотам билан кўришиб, сўрашиб бўлгач Ҳотамни азод кўтариб кўлобга босди. Ҳотам кўзини юмди, замони ўтди ул сурат айтди, эй йигит кўзингни очғил, Ҳотам кўзини очиб боқса ул кўлобдан асар ҳам йўқдур, бир бўстони олийдур сувлар ҳар тарафга оқиб турибдур. Ҳотам билдики парилар макони эркан. Бир пари нозанин санамлар султони ўзига оролар бериб дур ўзга парилар саф-саф хизматда турибдурлар. Ҳотам ўзини бир ним (ярим) тахт узра шоҳлардек мулоҳаза айлади. Субҳон олло деб худони ёд айлаб турди. Ул пари марҳабо деб эҳтиромлар билан дастурхонлар солиб гуногун таом ҳозир айлади, Ҳотам очликдин фориғ бўлиб дуо ва фотиҳа айлади. То бир-икки кеча-кундуз мундоғ субҳатда эрдилар. Ҳотам кундан-кунга ошифта бўлур эрди. Ниҳоят ул жоду Ҳотамни ўзига ром айлади ва ўз расми билан ўзини Ҳотам никоҳига киргизди. То бир-икки ой айшу ишратда эрдилар, бир куни Ҳотамнинг ёдига шаҳзода Мунир тушиб, маликайи давронга арз айлади. Ул зебо санам ҳам рози бўлиб, аввалидек Ҳотамни кўтариб ул кўлоб ёқасига еткуриб қўйди. Ҳотам яна қайтишида ушбу манзилга келишга ваъда бериб йўлга равона бўлди. Яна меҳнат ва машаққат саҳросига юз уриб борур эрди. Бир неча кундан сўнг узоқдин бир тоғ кўринди. Ҳотам кўп ранжлар билан унинг остиға етди ва боқса булут билан баробардур. Худони ёд айлаб ул тоққа тирмашиб устига чиқиб борур эрдики, бир гулистони хуш ҳаво эрди, Ҳотам илгарилаб юрур эрди. Бир жойга етди, бир олий суфа, устига палослар солинган, ҳар турли таомлар муҳайёдур. Ҳотам ул ерга бориб ўлтириб, гуногин таомлардин еб, сероб бўлди. Ул ерда хотиржамлик билан уйқуга кетди. Бир вақт уйғониб кўрдиким бир марди дарвеш сурат пайдо бўлиб, ўлтирубдур. Ҳотам ўрнидин туриб тавозеъ билан салом берди, ул марди дарвеш жавоби салом айлади. Ҳотамга дастурхон солиб, гуногун таомлар билан сарафроз айлади. Баъдаз адойи фотиҳа сўрдиким эй жавонмард қайдин келурсиз ва қайси томонга борурсиз, бу саҳройи балоҳезға қадам қўймоқни боиси нимадур, баёнига келтиринг деди. Ҳотам бошдин ҳикояйи саргузаштини бир-бир тақрир айлади, дашти Ҳувайдога борувини ҳам изҳор айлади. Ул дарвеш дедиким, эй ўғлим энди ушбу ҳаёлдин кечғилки мундин ул тарафларга ўтмоқ маҳоллардин маҳолроқдур. Чароки ҳар қадамда офатлар кўпдир, тилсимотлар ҳадсиздир. Бу даштга кирган одам асло яна қайтиб чиқмайдур. Ўзингни ёшлиғингга раҳм қил, бу ерлардин яна саломат кетғайсан, — деб кўп насиҳатлар айлади. Ҳотам жавоб бердиким, эй ота барча айтган сўзларингиз асилдур, оқилларнинг роийдур, аммо мен жонимни хонимонимни фисабиллиллод аллоҳ-таоллоҳнинг муҳтож бандалари учун фидо қилғондурман, қазоға ризодурман. Бандани Ҳотам ибн Тай Яманий дерлар. То шу кунғача ҳеч хизматдин юз ўгирганим йўқдир. Энди эй ота, банданавозлиқ айлаб дашти Ҳувайдо йўлини менга баён айланг, оллоҳ-таолло сиздин хушнуд бўлгай, — деди.

Ул дарвеш кўрдиким Ҳотамнинг ҳиммати баланддур, Ҳотамга меҳрибонлиқ юзасидин айтдиким, эй нуридийдам энди менинг сўзимни эшитгил, ёдингдан чиқармагайсан, — деб сўз бошлади. Дашти Ҳувайдони йўлида ҳатарлар кўпдур, ҳар ерда бир ранжга учрасанг, асло тезлик қилмагайсан, ҳар суратлар учраслар, пари бўлса ҳам манзур қилма. Яна бошқа нишоналарни ҳам баён айлади.

Яна дедиким, бир муддат йўл босганингдин сўнг, бир тилсимдин парилар чиқиб, сени бир бўстонға еткургайларким, орасталик бобида мундоғ ораста топилмағай. Сен буларга ҳеч илтифот айлама, пари чеҳралар қошкўзлари билан имолар айлаб, ўз ҳусн-жамоллари матоини бозорга солгайлар. Сен албатта аларга мойил бўлма, кеч шом вақтида сени бир қаср ичига олиб киргайлар, бир мурассеъ тахт устиға ўтқазгайлар, ёнингда бир соҳибжамоли ишвасоз пайдо бўлғай, ниқоб остидан жамоли барқ урар, ани қўллари нуридин ҳаммани мунаввар айлагай. Ул ҳам сенга карашмалар билан маъшуқалиқ айлагай, сен асло қўлини ушлама. Кечаси бўлгач ул қасрнинг деворларида суратлар пайдо бўлиб, ерга тушарлар, ҳар қайсилари бир навъ карашмада бўлгайлар. Буларга ҳам дахл айламагайсан. Агар бу манволда (аҳволда) умр борича бўлсанг, бўлгайсан. Қачон бу тилсимотдин қутилмоқни истасанг ул-тахтнишин парининг қўлини ушлаб юзини очмоқчи бўлсанг, ул тахтнинг бир ёнидан бир пари пайдо бўлиб, тезлик билан қўлингдан тутиб, қулоғингдан тортиб юзинга бир тарсаки ургай, тарсаки зарбидан андак беҳуш бўлғайсан, кўзингни очиб боқсанг ўзингни дашти Ҳувайдода кўргайсан. Мундин кейинги ишингни ўзинг билиб қилгайсан. Агар бу сўзларимни ёдингдан чиқарсанг пушаймони кулли топарсан. Умрингни охиригача тилсим ичида банда қолурсан-деб, сўзини шу ерга етказиб, бир кеча-кундуз меҳмон қилиб йўлга солди.

***Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.***

**(Давоми бор).**

Турфа олам

# КИМ НИМАГА ҚИЗИҚАДИ?

● Ҳаётда ҳар бир инсон бирор ишнинг ошуфтаси бўлади. Кимдир капалаклар, кимдир гулларнинг шайдоси, яна кимдир танга йиғса, кимдир бошқа нарса. Парижлик Ладислав Ликлер пишлоқхўр бўлмасада, у пишлоқларнинг ёрлиқларини йиғишни хуш кўради. Унинг йиққан ёрлиқлари 120 мингтага етиб, 75 мамлакатдан олиб келинган.

● Римлик тиш табиби Жуванни Баттиста кўп йиллар давомида мижозларидан суғуриб ташлаган тишларни йиғиб юрган. Улар учта катта-катта қутига жойлаштирилаётганда ҳисоблаб кўришса 200744 тани ташкил этган. Статистика маълумотларига қараганда табиб бир кунда ўрта ҳисобда 185 та тиш суғуришига тўғри келган экан.

● Ҳар бир юртнинг ўзига хос коллекционерлари бор. Буюк Британиянинг Норвич қасридаги чойнаклар коллекцияси ҳақида эшитганмисиз? Эҳтимол айтишингиз мумкин, инглизлар азалдан чойхўр халқ бўлган деб. Бироқ бу қасрда чой эмас, аксинча чойнаклар тўпланган бўлиб, улар 2600 турдан иборат.

Турфа оламга тўлган дунё деб шуни айтсалар ажаб эмас. Сиз ҳам бирор нарса йиғишга уриниб кўринг, зора ўша коллекционерлар қаторидан жой олсангиз.

***Гулбаҳор МЎМИНОВА тўплади.***



**Синфдошлар даврасида.**

Шарқ дурдоналари

# Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

◆ Тозаликдан қочган киши хасталик домига чалинади.

***Оғриган кўз кўр бўлиб қолган кўздан яхши.***
***Доринга қувониб заҳар ичма.***

◆ Агар ҳақ оёққа турса ноҳақни йиқади.

***Ҳақиқат нури сўнмайди.***
***Ҳақиқат отига минган барчани йиқади.***

Зиён берадиган ҳақ суюнтирадиган ноҳақликдан афзал.

◆ Беморнинг дарди кечаси зўраяди:

***Кеча узун, ой ботмас,***
***Дардлининг тонги отмас!***

Танбалдан сув сўрасанг табиблик қилади.

◆ Оқила хотин ўз эрининг ҳақиқий кўмакдошидир. Бундай хотин ўз эрининг сўзларини ҳеч вақт ерда қолдирмайди. Менсимасдан қарамайди. Уни ҳар бир ишда қўллаб-қувватлайди. Аммо оқила хотин эрга итоат қилиш керак экан деб, эр бошлаган ҳар хил қабиҳ йўлларга юравермайди, аксинча ўз эрини ёмон ва жиноятга олиб борадиган йўллардан қайтаради.

Бадхулқ ва бемаъни эрга учраган аёлнинг асосий вазифаси шундан иборатки, у бор кучини сарфлаб, эрининг нотўғри йўлдан кетаётганини тушунтириши, унга ваъзу насиҳат қилиши, барча чора-тадбирларни қўллаганда ҳам эрининг тузалишига ишончи йўқ бўлгач, ундан кўнгил узиши, қутулиш йўлини қидириши керак.

**Олимат ал-БАНОТ**

***◆ Неча инсон нафси деб бўлди хароб,***
***Бошига тушди ани ғам беҳисоб.***
***Кимни ранжитсанг бориб узрингни айт,***
***Чунки душман доимо пойлайди пайт.***
***Ҳар киши пул ила мол орзу этар,***
***Бас, қаноатла бу орзуга етар.***

**Фаридиддин АТТОР.**

◆ Эй Искандар, дилингни илм билан обод қил, илмсиз кишилар билан суҳбат қурма, умрингни беҳуда ўтказма, муваффақиятларингга мағрурланма, ҳасадчиларни уйингга киритма, сийнангни гина-кудратдан холи тутиб бировга нисбатан гина сақлама, яхшилик қилишга интил, яхши кишиларни яхши сўз ва яхши ҳадялар билан сарафроз қил, тарбия таъсир қилмайдиган кишилар билан яқинлик қилмагинки, бўри ёки илон аҳён-аҳёнда зарар етказади, аммо зарари ҳалокатли бўлади.

Эй Искандар, биров билан маслаҳатлашадиган бўлсанг ақлли ва доно кишиларни топиб маслаҳатлаш, олиҳиммат кишилардан ёрдам сўра, ҳар бир масалани шу масалани тушунадиган ва шу масалага дахли бор одамлар билан биргаликда ҳал қил, пастҳиммат кишилардан ҳеч вақт яхшилик ҳосил бўлмайди.

Эй Искандар, қўпол кишиларга қўполликни «ҳадя» қил, куч ва тадбир билан қўлга тушириб бўлмайдиган душманни мулойимлик ва ширинсўзлик билан ўзингга мойил эт, бирор ерга элчи юбормоқчи бўлсанг айтмоқчи бўлган масалангни чуқур биладиган ва шу масала юзасидан билимга эга бўлган кишини юбор, акс ҳолда ишларинг бузилади.

***Ҳар ким доно бўлса ейиш бобида,***
***Билмаган нарсасин емайди зинҳор.***
***Бирор йўлда зарар кўп бўлса агар,***
***Кучи кўп бўлса ҳам юрмайди зинҳор.***
***Синалмаган йўллар яқин бўлса ҳам,***
***Синалган узоқдан қолмайди зинҳор!***

Эй Искандар, сафар ва саёҳатга чиққанда шунчалик юк олгинки, уни кўтариб юришдан ўзинг безор бўлмагин, бунинг устига кучдан ҳам қолмагин. Шароб ичишни одат қилмаки, у беҳушлик ва ғофилликка олиб боради. Ўзингга садоқатли ва вафоли кишиларни ҳамиша азиз тут. Қийинчилик онларида ўзингни маҳкам тут ва умидсизликка тушма. Биров сенга ситам қилган бўлса ёки сен бировга яхшилик қилган бўлсанг ҳар икковини ҳам унут. Кимки бировларга ситам қилаверса ўзи ҳам узоқ яшамайди. Тунда уйқуга берилиб, ғафлатда қолма, тун бедорлигини ўзингга давлат деб бил. Муродингга етган вақтларингда ханда уриб кулмаки, атрофда турганларга хунук кўринади. Агар иш аксинча бўлса ғамлигингни бировга билдирма. Бировдан қўрқадиган ва жангда енгилиб қочган кишилар билан ҳамроҳлик қилма.

Назм:

***Жангдан қочиб қолган бўлса ҳар киши,***
***Ўзгага ваҳима солишдир иши.***
***Зафар ёрим бўлсин десанг ҳар нафас,***
***Ботир кишиларга бўлгин ҳамнафас!***

**«Арасту пандномаси»дан.**

◆ ҲИКОЯТ. Бир ёлғончи ва беҳуда сўзловчи киши лоф кўчасига кириб деди:

***«Мажистий» бирла «Уқлидус» билурман,***
***Бу фан бобида юзни мот қилурман!***

Замона саҳифасида ва замину осмон теграсида, умуман, эл орасида нимаики бўлса менинг кўзларимга равшан ва аёндир!

Унинг беҳуда сўзлигидан ва паришон аҳволидан воқиф бир доно унга деди: «Кўп баланду пастга учма, ёлғончилик қўйига тушма, узоққа бормай айтчи, иягингдаги соқолинг толаси нечта?!»

Байт:

***Беҳуда сўзларни гапирса киши,***
***Гапидан ортади бошда ташвиши!***

**Ибн КАМОЛПОШШО.**

***Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.***

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

## ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ 1998 ЙИЛ 12 НОЯБРДАГИ 431-СОНЛИ ҚАРОРИГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

***Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов «Тошкент шаҳар ҳокимининг 1998 йил 12 ноябрдаги 431-сонли қарорига қўшимчалар киритиш тўғрисида» қарор қабул қилди.***

Унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Назорат инспекцияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 28 октябрдаги ПФ 2100-сонли тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисидаги Фармонининг бажарилишини ўрганиш ҳақидаги маълумотнома ахборот учун қабул қилинди.

Мазкур Фармон ижроси учун кенг жамоатчиликни жалб қилиш ҳамда «Маҳалла», «Камолот», «Соғлом авлод учун», «Нуроний», «Олтин мерос» жамғармаларининг шаҳар бўлимлари, Тошкент шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази ва бошқа нодавлат ва нотижорат ташкилотлари, шаҳардаги диний ташкилотлар тарафидан бу борада олиб бораётган ишлари талаб даражасида эмаслиги таъкидланди.

Тўй-ҳашам, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирлар ўтказишни тартибга солиш ишчи гуруҳининг 1999 йил 29 октябрдаги мажлиси баёни эътиборга олинди.

Фармон ижросини Тошкент шаҳар ҳудудида изчил таъминлаш ва тақдим этилган маълумотномада келтирилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида:

Тўй-ҳашам, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирлар ўтказишни тартибга солиш бўйича тузилган ишчи гуруҳ таркиби иловага мувофиқ тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Назорат инспекцияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 28 октябрдаги ПФ 2100-сонли тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисидаги Фармонининг бажарилиши юзасидан ўтказилган мажлисда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва мавжуд воқеликни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилган қўшимча чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Жойларда Фармон ижросининг тўлиқ таъминланишини изчил назорат қилиш ва таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳи аъзоларидан, туманлар бўйича махсус комиссиялар тузишга қарор қилинди, комиссиялар таркиби тасдиқланди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг 431-сонли 1998 йил 12 ноябрдаги қарорининг 1, 2, 10-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисобланди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1999 ЙИЛ 20 ОКТЯБРДАГИ 469-СОНЛИ ҚАРОРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ҲАҚИДА

***Тошкент шаҳри атроф-муҳитини ва экологияни яхшилаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 октябрдаги «1999-2005 йилларда республикада атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури тўғрисида»ги 469-сонли қарорининг таъминланишини бажариш учун Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов қарор қабул қилди.***

Унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 октябрдаги 469-сонли қарори ижро учун қабул қилинди.

1999-2005 йилларда Тошкент шаҳар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури ва уни бажариш юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

1999 йил 15 декабргача Тошкент шаҳар ҳокимлигининг бош бошқарма, бошқармалари ҳамда шаҳар ҳудудидаги ташкилот ва корхоналар ўзларининг юқори ташкилотлари билан келишилган ҳолда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш минтақавий ва тармоқ дастурларини бажариш чора-тадбирларининг бажарилишининг молиявий томондан таъминланиши юзасидан таклифларини тайёрлаш ва шаҳар атроф-муҳитни ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига топшириш белгилаб қўйилди.

Тасдиқланган чора-тадбирлар режасининг бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси ҳамда шаҳар атроф-муҳитни ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси зиммасига юклатилди ва ҳар ярим йилда бажарилган ишлар юзасидан умумлаштирилган ахборотлар бериб боришлари кераклиги уларга топширилди.

Мозий

# КЎҲНА ТУРОН МАЛИКАСИ

***Инсоният, жамият пайдо бўлган даврлардан бошлаб жаҳондаги энг гўзал ва олижаноб фазилатлар ҳаммаси аёллар тимсолида ўз ифодасини топганлиги бежиз эмас.***

Аёлнинг ҳақиқий қиёфасини тасаввур этмоқ учун у босиб ўтган узоқ йўлга, аввало унинг ўтмишига, сўнгра эса кечаги ва бугунги кунига чуқур назар ташлаб, унинг келажаги ҳақида хаёл қилмоқлик мумкин. Қадимий юнон тарихчилари асарларидан етиб келган Тўмарис қиссаси кўпчиликка маълум ва машҳур. Ҳозирги Амударё—Аракс дарёси соҳилларида яшаган массагетлар қабиласига малика Тўмарис бошчилик қилган.

Эрон шоҳи Кир массагетларнинг ҳосилдор ерларига ошиқ бўлиб, бева маликага уйланиш ва шу йўл билан бу мамлакатни қўлга киритишга қарор қилади. Ана шу ниятда Кир Аракс дарёсига кўприк қуришни буюради. Кир ҳаракатининг асл моҳиятини англаган Тўмарис совчиларга рад жавобини беради ва жарчи орқали Кирни уруш бошламасликка, тинч яшашга ундайди. Лекин Кир ўзининг ёвуз ниятидан қайтмайди. Тўмарис эса қабиласини ўз қўли билан қулликка топширмаслик учун ҳеч иккиланмай Кирга қарши лашкар тортади. Тўмариснинг ўғли Спарганис бошчилигидаги бир гуруҳ лашкарлар Эрон босқинчиларини енгадилар, лекин кўп ўтмай Кирнинг лашкарлари Спарганис ва унинг йигитларини ҳийла билан сархуш қилиб, қўлга оладилар.

Воқеадан хабар топган Тўмарис Кирга чопар юбориб, шундай дейди: «Қонхўр Кир, қаҳрамонлигинг билан мағрурланма... ҳалол жангда қурол кучи билан эмас, балки узум суви билан маккорлик қилиб ўғлимни енгдинг. Менинг маслаҳатимга кўн, ўғлимни бер ва яхшиликча ерларимдан кет... Агар йўқ десанг, массагетлар худоси Қуёш номи билан қасамёд этаман, сен қанчалик тўймас бўлсанг-да мен сени қонга тўйдираман».

Кир бу сўзларни писанд этмайди. Ҳушига келгач, асир тушганини пайқаган Спарганис номусга чидай олмай ўзини-ўзи ўлдиради. Ёлғиз ўғлининг ўлимидан хабар топган Тўмарис барча лашкарларини йиғиб, қайтадан ғазаб ва шиддат билан жангга киришади. Жанг узоқ давом этади, ҳеч ким чекинишни истамайди. Шафқатсиз жанглар натижасида Кирнинг ўзи ҳам ҳалок бўлади. Беназир ақл-заковати, мардлиги ва матонати билан ном қозонган донишманд Тўмариснинг сўнмас образи мумтоз аёлларга хос бўлган донишмандлик ва тенгсиз жасоратнинг ёрқин намунаси сифатида жаҳон адабиёти зарварақларидан ҳам муносиб жой олди.

Кўҳна Турон аёлларининг жасорат, мардлиги ва қаҳрамонликлари ҳақида тилдан-тилга, дилдан-дилга кўчиб афсонага айланган бу битикларни биз суюб, қалбда ғурур ва ҳайрат билан ўқиймиз. Асрлар давомида ақли заковати, бой маънавияти туфайли халқимиз мағрур яшади, меҳнат қилди, доимо хуррият ва эрк сари интилди.

Ана шу олий бахтга, яъни ҳурлик ва эркинлик бахтига мушарраф бўлган бугунги шарқ аёлларининг эндиги мақсадлари янада пок ва янада улуғдир.

***Мавжуда ЗИЯМУҲАМЕДОВА,***
***Тошкент молия институти доценти.***

Саналар

# ВИРУСОЛОГИЯ ИНСТИТУТИНИНГ ТЎЙИ



***Бундан 20 йил муқаддам асос солинган вирусология институти шу ойнинг бошида ўз юбилейини нишонлади. Институт ходимлари олдига қўйилган биринчи даражали вазифа бизнинг минтақамизда тарқалган вирусли гепатит хасталиги билан курашишдир. Бугунги кунда институт мамлакатимиз соғлиқни сақлаш борасидаги муҳим ўчоқлардан бирига айланган.***

Юбилярларни табриклаш ва шунингдек бу ерда бўлиб ўтган илмий конференцияда иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Ф.F.Назиров, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг вице-президенти Т.Ф.Орипов бошчилигидаги кўплаб меҳмонлар, шунингдек уларнинг ҳамкасблари — мамлакатимизнинг барча бурчакларидан вирусолог мутахассислар бу ерга келишди.

Конференцияда қилинган маърузаларнинг бош мавзуи мамлакатимизда вирусли гепатитнинг кенг тарқалганлиги боиси туфайли юзага келган таассуфли вазият юзасидан билдирилган жиддий ташвишланишлар бўлди. Маърузаларда ана шу юқумли хасталикка қарши кураш усуллари ва унинг мамлакатимиз ҳудудидан сиқиб чиқариш бўйича аниқ дастурни ишлаб чиқиш ҳақида мулоҳазалар билдирилди. Вирусологлар шунингдек кейинги йилларда минтақамизда вирусли инфекцияларнинг тарқалиши муаммоларининг муҳимлигини ҳам таъкидладилар.

Хўш, қандай қилиб республикада вирусли гепатитнинг ана шундай катта миқдорда тарқалганлигини рўйхатга олиш ҳоллари юз берди? Мутахассисларнинг фикрича бунинг илдизи ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳам, тиббий санитария жиҳатидан ҳам кўпгина сабабларга бориб тақалади. Институт директори Шабод Хўжаевнинг фикрича вирусли гепатитнинг муаммолари фақатгина касалларни муваффақиятли даволаш билангина эмас, балки аҳоли ўртасида эпидемияга қарши профилактик омилларни яратишга ҳам боғликдир.

Институт ана шундай оғир эпидемиологик шароитлар яратилган бир пайтда собиқ иттифоқ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб гепатитга қарши кураш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишларни олиб борди. Бугунги кунда институт базасида 200 ўринли клиник бўлим фаолият кўрсатмоқда, бу ерда катталар ҳам, кичик ёшдагилар ҳам малакали тиббий ёрдамни олишлари мумкин. Шунингдек бу ерда олтита лаборатория ҳам фаолият кўрсатмоқда, унда катта илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Институт узоқ вақт мобайнида ана шундай жиддий хасталикка қарши кураш дастурини амалга ошириш учун кенг хоналарга муҳтож бўлиб келди. Мана бундан уч йил муқаддам Юнусободда институтнинг янги биносидаги қурилиш ишлари ниҳоясига етказилди. Ана шу сабабли бу ерда лабораторияларни жойлаштириш, клиник бўлимни жойлаштириш ва ҳатто жонзотларни боқиш учун республикада ягона бўлган 600 квадрат метрли саҳнга эга жой тайёрланди. Ана шу янги бинонинг қурилиши ва жамоанинг юксак малакали мутахассисларидан ташкил топишида институт директори Шабод Хўжаевнинг хизматлари ғоят каттадир.

Ўтган йигирма йил мобайнида институтда вирусли гепатитга қарши кураш борасида ҳам, республика вирусолог илмий кадрларини тайёрлаш борасида ҳам жуда катта ишлар амалга оширилди. Шуни таъкидлаш кераккки, ана шу йиллар мобайнида институтда 9та докторлик ва 15та номзодлик диссертациялари ҳимояга тайёрланди, институт кўплаб халқаро ва республика илмий конференцияларида қатнашди, ўнлаб монографиялар ва мақолалар чоп этилди. Бироқ вирусли гепатитга қарши кураш ўзининг илк босқичида турибди ва институт жамоаси олдига у янги, катта вазифаларни қўймоқда.

***(Ўз мухбиримиз).***

***СУРАТЛАРДА: вирусология институти ҳаётидан лавҳалар: институт лабораториясининг мудири Сайдулла Ҳикматуллаев ва тиббиёт ҳамшираси Нилуфар Холмирзаева (чапда); шифокор Х.Мирқосимова ва лаборант Л.Калугиналар; юқорида институтнинг биноси.***

***Рустам Шарипов олган суратлар.***





